



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 246 (12.307)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Янги йил байрами муносабати билан дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

2012 йил 29 декабрь шанба ва 30 декабрь якшанба дам олиш кунлари мос равишда 2012 йил 31 декабрь душанба ва 2013 йил 2 январь чоршанба кунларига кўчирилсин;

2012 йил 29 декабрь шанба ва 30 декабрь якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 24 декабрь.

Латвия парламенти – Сеймининг Ўзбекистон билан парламентларо ҳамкорлик бўйича гуруҳи раиси Александр Саковскис Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги муносабати билан ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:

А.САКОВСКИС:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚМ СУРАЁТГАН БАҒРИКЕНГЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК ТАҲСИНГА САЗОВОР»

– Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги муваффақиятли тараққиётида замонавий давлат ва жамият шаклланишининг асосий тамойиллари ва меъёрларини ўзида акс эттирган мамлакат Конституцияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мен Президент Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» ва унинг беш тамойили қай тарзда ҳаётга татбиқ этилаётганини узоқ йиллардан буён катта қизиқиш билан кузатиб келаман. Шу ўринда юртингизда барча фуқаролар манфаатларига жавоб берадиган ҳамда дунё мамлакатларининг илгор тажрибасига асосланган кенг миқёсли ислоҳотлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлашни хоҳиш қиламан.

«Ўзбек модели»да акс этган иқтисодийнинг сиёсатдан устунлиги ҳамда қонун устуворлиги сингари тамойиллар Ўзбекистонда мустақам ҳуқуқий асос яратилганини, шунингдек, ўзбек халқининг мамлакат ҳаётини янада яхшилаш ва юксалтиришга бўлган интилишларини намоён этади.

Фикримча, Ўзбекистон бошқа кўплаб мамлакатлар учун намуна сифатида хизмат қилади. Жумладан, мамлакатингизда ҳуқм сураётган бағрикенглик, миллатларо ва этник қадларо ҳамжиҳатлик таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон бўйлаб сафарим чоғида ўзим бунинг шохиди бўлдим.

Мамлакатингизнинг Асосий қонуни мустақиллик йиллари мобайнида эришилган муваффақиятларга мустақам негиз сифатида хизмат қилгани ҳолда юксалиш ва тараққиёт йўлидаги янгидаги зафарларга пойдевор ҳам бўлади.

Ўзбекистон Президенти томонидан тақдир этилган мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси юртингизда юз бераётган ўзгаришларга янги низоҳ билан қараш, эришилган муваффақиятларни янада чуқурроқ англаб етиш имконини беришини таъкидлашни истар эдим. Мазкур Концепция Ўзбекистон тараққиёти ва олиб борилаётган ислоҳотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди. Ўзбекистон ва Латвия парламенти вакиллари ўз фаолияти орқали мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деб ўйлайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Конституция қабул қилинганининг 20 йиллиги билан чин қалбидан қутлаб, фаровонлик ва юксалиш йўлида янгидаги муваффақиятлар тилайман.

«Жаҳон» АА
Рига

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«Келажак овози – 2012»



Сарвар Урмонов (ЎЗА) олган сурат

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган «Келажак овози – 2012» кўрик-танловининг республика босқичи бошланди.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Тадбирда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида йигит-қизларнинг салоҳияти ва интилишлари рўйбга чиқаётгани таъкидланди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилаётган турли ижодий лойиҳалар, кўрик-танловлар ҳам ана шу мақсадга хизмат қилаётди.

«Келажак овози» кўрик-танлови мамлакатимиз йигит-қизларининг эътибори ва қизиқишини тобора кўпроқ жалб этаётган шундай лойиҳалардан биридир. 2005 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур танлов илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида изланишлар олиб бораётган ёшларнинг орзу-интилишларини кўлаб-қувватлаш, илгор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлидлар ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби но-

минациялар бўйича ўз қобилиятини намоён этишмоқда. Танловда қатнашиш истагидигилар сафи йил сайин кенгайиб бораётди. Жумладан, 2005 йилда ўтган илк танловда 3 минг нафар йигит-қиздан мурожаат тушган бўлса, жорий йилда иштирокчилар сафи қарийб саксон минг нафарни ташкил этди.

Бу йилги мега-лоийҳанинг туман босқичлари мамлакатимизнинг барча ҳудудидagi таълим масканларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказилди. Туман, шаҳар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси босқичларида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари марказининг истеъдодларни кўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга доир лойиҳалари ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилди.

– Мамлакатимиз ёшлари ўз истеъдодини, орзу-интилишларини юзага чиқариш учун барча имкониятга эга,

– дейди Фарғона давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Азаматжон Муҳаммаджонов. – Бундай ишонч, яратилаётган шарт-шароит биз, ёшларни ўз устимизда кўпроқ ишлашга, бор қуч ва иқтидоримиз билан юртимиз ободлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилишга ундайди.

Ёшлар ижод саройи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тошкент тўқима-чилик ва енгил санат институтида танловнинг турли номинациялари бўйича саралаш жараёнлари бўлиб ўтади.

«Келажак овози» кўрик-танловининг республика босқичи гоилилари лойиҳаларининг тақдими ва уларга диплом топшириш маросими 26 декабрь кунини Ёшлар ижод саройида ўтказилади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Янги йил байрами

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, халқимиз фаровонлигининг тобора юксалиши, тинчлик, осойишталик ва барқарорлик, барча соҳалардаги улкан ютуқларимиз мамлакатимизда жамоат тартибининг сақлаш ва ҳавфсизлигини янада мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир. Аини кунларда мамлакатимизда Янги йил байрамини юқори савияда ва мазмунли нишонлаш, байрам тадбирларини ҳамжиҳатлик билан ўтказиш борасида кенг кўламини ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Мирқомил МИРФАЙЗИЕВ билан бу борада олиб борилаётган ишлар ҳусусида суҳбатлашди.

– Халқимиз тинчликни юксак қадрайди, уни ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўйбга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади, – дейди М.Мирфайзиев. – Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимизда қарор топган ўзбекона меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбаршарий қадриятларга уйғун яшаш тамойили янада мустақамлаш бормоқда. Тинчлик ва осойишталикни мустақамлаш, осуда ҳаётни таъминлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг, балки ўзини шу муқаддас заминнинг фарзанди деб билган ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканлигини юртдошларимиз чуқур англайди.

Янги йил байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларимиздаги хонадонларимиздаги хотиржамлик ҳамда кўтаринчи кайфиятни кўриб, кўзи қувонади кишининг. Зотан, осойишта ҳаёт аввало, бу одамларнинг ўзаро аҳил-иноқ яшаш, байрамлари баҳамжиҳат ўтказишидир.

Тинч, осойишта ва обод ҳаётни таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайдиган, албатта. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ободлик деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, фойиз-баракат ҳуқуқини бўлган жойларни, доимо пок ниёт ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади. Ҳаётимиздаги ҳар бир улкан воқеанинг юртимизда тинч, осойишта ва юксак савияда ўтишини таъминлаш вазифаси ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам улкан масъулият юқайди. «Президент арчаси», Янги йил байрами тадбирларининг юқори савияда, муносиб ва кўтаринчи раҳда ўтишини таъминлаш учун вазирлигимиз томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Эллиққалъа тумани телекоммуникация боғламасида «Ягона ойна» хизмати йўлга қўйилди. Эндиликда бу ерда ҳар бир миҳоз симсиз телефон, интернет, видеоанжуман ва рақамли телевидение каби бир қатор замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

• Андижон давлат университетида янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Андижон давлат университетининг тарих ва ижтимоий фанлар, педагогика факультетлари талабалари энди янги бинодаги кенг ҳамда шинам аудиторияларда ўқишни давом эттиради.

• Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан Хоразм вилоятида адабиёт кунлари ўтказилди. Ушбу нафосат байрами мумтоз адабиётимизнинг ёрқин вакили Муҳаммадризо Огаҳий таваллуди муносабати билан ташкил этилган адабий-бадиий тадбирларга улашиб кетди.

• Мамлакатимизнинг барча вилоятдан 14 жамоа касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Энг яхши инновацион ғоя» республика танловига ўз лойиҳаларини тақдим этди. Тадбир Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Британия Кенгаши томонидан ташкил қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 25 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: 1 АҚШ доллари 1984,00 га тенг, 1 ЕВРО 2620,31 га тенг, 1 Россия рубли 64,58 га тенг.

ЖАҲОНДА

• Босния ОАВларининг хабарларига кўра, Босния ва Герцеговина гаввослари ва тоғли кутқарувчилар кенг жамоатчилик эътиборини экология муаммоларига қаратиш мақсадида, Болқон оролларида машҳур бўлган Хутаво Блато кўрикхонасида сув остида янги йил арчасини безатишди.

• Кучли ёмғир ёғиши оқибатида Буюк Британияда кучли сув тошқинлари бошланди.

• Янги қурилаётган ALMA йирик халқаро обсерваторияси астрономлари ушбу иншоот узатгич (антенна)ларини ўзаро боғловчи супаркомпьютерни ишга туширишди. Қурилиш якунида узатгичларнинг сони 64 тага етиши мумкин бўлиб, ушбу қурилма барча антенналарнинг ягона интерферометр тизимида ишлашига мўлжалланган.

• General Motors компанияси Лос-Анжелес автосалонида ўзининг янги Chevrolet Spark автоуловини тақдим этиш билан электромобиль ишқибозларини хурсанд қилишга қарор қилди. Ушбу Spark EV номини олган янги автомобиль 130 кучли электромоторга эга. Chevrolet Spark EVнинг 2013 йил ёзида АҚШ да сотилиши режалаштирилган.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ўзбекистон энер-

гия тизимида 2012 йилда амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ БУГУН «8-автобус саройи» очик акциядорлик жамиятида «Обод турмуш йили»га бағишланган тадбир уюштирилди.

✓ КЕЧА Тошкент фотосуратлар уйда Туркманистон мусавирлари асарларининг кўргазмаси очилди.



Қарор ва ижро

**ТАДБИРКОРЛАР УЧУН
ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАР ВА
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон Бизнес-форуми (2-босқич)» лойиҳаси билан ҳамкорликда ушбу мавзуга бағишланган матбуот анжуманини ташкил этди.

Тижорат тузилмалари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш дастурининг устувор йўналишларидандир. Ушбу ҳужжатда товар ва хизматлар учун тўловларни интернет ҳамда пластик картчалар орқали амалга ошириш инфратузилмасини яратиш, тижорат фаолияти ва тадбиркорликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш масалалари қайд этилган.

Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхоннинг таъкидлашича, мамлакатимизда бизнес вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватламда, хусусий секторни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад кенг жамоатчиликни қизиқарли дастурий махсулотлар ва 2012 йилда чоп этилган ахборот нашрлари билан таништиришдан иборат.

Тадбиркорларга ўз фаолиятини ташкил қилиш ва юритиш жараёнида зарур бўлган фойдали ахборотни ўз ичига олган www.biznesinfo.uz ахборот портали имкониятлари намойиш этилди. Сайдта бизнесни рўйхатдан ўтказиш шартлари, лицензиялаш ва руҳсат этиш тартиб-таомиллари, мамлакатимиз молия институтлари томонидан

кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек, тегишли адабиётлар билан танишиш, шартнома ва бизнес-режалар намуналарини компьютерга ёзиб олиши мумкин. Шуниси эътиборлики, бу сайтда 600 турдан ортиқ ускуналар ва мини-технологиялар тўғрисидаги ахборот жамланган. Матбуот анжумани иштирокчиларида тадбиркорлар учун мўлжалланган UzSAT инновация ишланмаси катта қизиқиш уйғотди. Мобил телефонга ўрнатиладиган ушбу илова интернет ёрдамида ишлайди. У орқали Ўзбекистоннинг қайси банкларида кредитни қандай шартлар асосида олиш мумкинлигини билиш, хўжалик субъектларини текширишнинг йиллик режаси билан танишиш мумкин.

Тадбирда мобил телефонлар учун яна бир илова – «SMS-To'lov» ва Савдо-саноат палатасининг Call-маркази фаолияти тўғрисида ҳам сўзлаб берилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилиш ва юритиш имкониятлари ҳақида ҳикоя қиладиган ихтисослаштирилган нашрлар тўғрисидаги ахборот ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳақида нималарни билиш керак?», «Бизнесга қўмақлашувчи имтиёзлар», «Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар», «Тадбиркорлар учун компьютер», «Тадбиркорлар учун интернет» шулар жумласидандир. Улар Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон Бизнес-форуми (2-босқич)» лойиҳаси билан ҳамкорликда нашр этилган.

Меҳрибон МАМЕТОВА

Мамлакатимизда ОАВ сони ортиб, улар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланиши ушбу соҳага бўлган эътиборнинг кун сайин кучайиб бораётганидан далолат беради. Шу мақсадда жойларда ёш журналист кадрларни қайта тайёрлаш, билим савиясини янада оширишга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Анжуманлар

ОЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКАДА ИХТИСОСЛАШУВ

ЎЗМУ маданият саройида ўтказилган «Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари» мавзудаги илмий-амалий семинар ҳам ана шу вазифаларга бағишланди.

Таъкидлаш жоизки, 2005 йилда ташкил этилган ЎЗМУнинг Олий журналистика курслари нафақат республика миқёсида, балки Марказий Осиё ва МДХ мамлакатларида ҳам ўз йўналиши бўйича ягона ҳисобланади. Утган қисқа вақт давомида мазкур даргоҳда тўрт юздан зиёд тингловчилар журналистика соҳасининг турли замонавий ихтисосликлари бўйича чуқур билим олиб, магистрлик даражасига эга бўлдилар.

Семинарда сўзга чиққанлар Ахборот асрида тармоқ журналистларига талаб ортаётганлиги, ихтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ ва шу каби бошқа жабҳаларда чуқур билим, мукамал фикр ва профессионал назарга эга кадрлар тайёрлашда ОЖКнинг аҳамияти ҳақидаги, шунингдек,

«Мустақил Ўзбекистон ОАВ тараққиёти тенденциялари», «Олий журналистика курсларида ўқув-амалиёт кўникмалари», «Босма нашрларда ихтисослашув масаласи», «Ўзбекистонда профессионал журналист кадрларни тайёрлаш масалалари», «Журналистика иккинчи мутахассислик сифатида: хорижий мамлакатлар тажрибаси», «Журналистик фаолиятда таҳлил масалалари» каби мавзуларда фикр юритилди.

Барча маърузалар юзасидан фикр алмашувлар, муҳокамалар бўлиб ўтди. Семинар якунида фаол иштирокчилар тақдирланди.

Семинарда журналистика факультети ва «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланиб, журналистика факультетининг интернетдаги янги веб саҳифасининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Олим АХМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Унда мазкур комиссия томонидан қўллаб-қувватланаётган айрим жамоат ташкилотларининг фаолияти, грант танловларининг натижалари атрофича муҳокама этилди.

Комиссия раиси А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбасари Е.Каньязов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солихов ва бошқалар Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун барча зарур шартно ва имкониятлар яратилаётганини таъкидлади.

Парламент комиссияси томонидан жамоат ташкилотларининг ихтимой аҳамиятга молик қўллаб-қувватлаш фаол қўллаб-қувватланмоқда. Айтиш мумкин, ақратилаётган маблағларнинг сарфланишида ҳолислик, адолат ва очиқликни таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жойларда ихтимой

аҳамиятли вазифаларни бажаришдаги фаоллигини ошириш мақсадида жорий йилда 6 миллиард сўм маблағ давлат субсидиялари, ихтимой буюртмалар ва грантлар шаклида ажратилган.

Йиғилиш давомида 2012 йилда Жамоат фонди томонидан молиялаштирилган давлат субсидиялари ва ихтимой буюртмаларнинг амалга оширилиши натижалари юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботи тингланди.

Навбатдаги грант танлови натижасида «Камолот» ёшлар ихтимой ҳаракати тизимидаги бошланғич ташкилотлар ва «Ёшлар ихтимой хизматлар маркази» фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган 9 лойиҳа қўллаб-қувватланди.

Парламент комиссиясининг ҳалқоралоқаларини янада ривожлантириш истикболлари, мазкур комиссиянинг 2013 йилдаги фаолият режаси белгилаб олинди.

(ЎЗА)

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ
ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг масъул ходимлари, ОАВ раҳбарлари, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусига ихтисослашган журналистлар, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг ҳалқоралоқ журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалари иштирок этди.

Тадбир давомида давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам сўз борди. Маълумки, мазкур қарор асосида мамлакатимизда Қуролли Қучлар, Мудофаа вазирлиги фаолиятида ошқоралик ва очиқликни таъминлаш, мудофаа ва ҳарбий соҳа-

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши: мақсад ва вазифалар, янги йил режалари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

да амалга оширилаётган давлат сиёсатида фуқаролар ва жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш, ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлари ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўмақлаш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилган. Кенгаш олдида ҳалқимиз тинчлиги ва оқсоқиллигини таъминлаш, замонавий миллий армияни шакллантириш борасида амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар, миллий армиянинг салоҳияти ва қудратини кенг тарғиб этиш ҳамда мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор энг долзарб масалаларга оид фикр-мулоҳазаларнинг му-

айян тизимга солинган мониторингини ташкил этиб, ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш вазифаси қўйилди.

Матбуот анжуманида Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, халқ шоири Иқбол Мирзо кенгаш олдида қўйилган мақсад ва вазифалар, янги йил режалари ҳақида батафсил маълумот берди. Шу билан бирга кенгаш тарихидаги комиссиялар раисларининг амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Матбуот анжуманида Жамоатчилик кенгаши аъзолари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Оттабек ОТАЕВОВ

Мамлакатимиздаги техника олий ўқув юртиларида «Электр алоқа назарияси» кенг ўрганилади. «Фан ва технология» нашриёти томонидан босмага тайёрланган навбатдаги дарсликда электр алоқа назариясининг муҳим томонлари кенг ёритилди.

**МУТАХАССИСЛАРГА
ФЙДАЛИ ҚЎЛЛАНМА**

Ушбу ўқув адабиётида ахборот, хабар ва сигналга доир масалалар кенг ёритилган. Шунингдек, параметрик ва нозичлиқ параметрик радиотехник занжирларни таҳлил қилиш усуллари ва уларга асосланган электр алоқа қурилмалари мавзусига доир материаллар ҳам баён этилган. Кўп каналли электр алоқа асослари, ахборотларни кодлаш ва узатиш усуллари оид тушунчалар мисоллар асосида ёритилди. Ушбу дарслик алоқа соҳаси мутахассисларга фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Анвар ОБИДОВ

**Транспорт
ТАДҚИҚОТЛАР
КЎЛАМИ
КЕНГАЙМОҚДА**

Ташиш ҳажмини ошириш ва корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича эришилаётган натижалар темир йўл транспорти тармоғида фаолият кўрсатаётган транспорт ходимларининг меҳнати самарасидир. Бу борада Тошкент темир йўл муҳандислари институти олимларининг изланишлари ҳам эътиборга сазовордир.

— Изланишлар жараёнида кўплаб техникавий янгиларда юзага келди. Ишқаланиш натижасида Гилдирак жуфтлари тез-тез емирилади, — дейди профессор С.Содиқов. — Деполарда уларга ишлов бериш ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Гилдирак жуфтларининг устига қоплама қўйиб, пайвандлаш билан хизмат кўрсатиш мuddати яна 20 йилга узайтирилди. Ёпиқ вагонларни дезинфекция ишловларисиз юк ортишга тайёрлаш, иссиқликка чидамли рельсларнинг мустаҳкамлигини баҳолаш, юқори диаметри цилиндр пружиналарни ўрайдиган дастгоҳ, аккумуляторлар жойланган резина гилофларнинг ташқи томонини ювиш машинасини яратиш бўйича илмий ишлар эса ишлаб чиқаришга жорий этилди. Чет эл тажрибасига таянган ҳолда маҳаллий хом ашёдан юқори самарали цементли композитлар олиш технологияси ҳам яратилди.

Мамлакатимизда темир йўл транспортининг 2015 йилгача ривожланиш йўриқномаси ҳам тайёрланди. Оролбўйи ҳудудиде темир йўл транспорти корхоналарини зулқисиз электр энергияси билан таъминлашга оид тадқиқотлар олиб борилди.

Ақбар АЛИЕВ

**ТИНЧЛИК ВА
ОСОЙИШТАЛИК
ЙЎЛИДА**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, барча шаҳар ва туманлар марказларида, қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳалларда, байрам тантаналари ўтқизилган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, фавуқулда ҳодисаларнинг олдини олиш, ёнғин ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан алоҳида гуруҳлар иш олиб бормоқда.

Мамлакатимизда, айнқиса, унинг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларида ички ишлар идоралари ходимларининг хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш борасидаги хизматларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар марказларида ички ишлар идоралари ходимлари ва маҳалла посбонларидан иборат патруль гуруҳлари тўзилиб, уларнинг оғоҳлиги ва фаолиги янада оширилди.

Байрамни тинч ва осуда ўтказиш учун жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашини янада кучайтириш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаб, уларга жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ижобий профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида «Тозалаш – Антитеррор» тезкор-профилактик тадбири ўтказилмоқда. Тадбирни ўтказишда маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бу борадаги профилактик ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида маҳаллалар, корхоналар, ташкилотлар ва ўқув муассасаларида ўрачулар ўтказилмоқда.

Жойларда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, қўнғилсиз ҳолатларнинг юзага келишига йўл қўймалик мақсадида ҳозирги кунда маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг вакилларида иборат гуруҳлар ташкил этилиб, байрам тадбирлари ўтказиладиган барча масканларнинг техник ва ёнғин хавфсизлиги ҳолати атрофича ўрғаниб чиқилмоқда. Текширувлар мобайнида янги йил арчалари очик жойларда ўрнатилиши ва хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва транспорт воситалари билан боғлиқ ноҳуқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланган, изчил амалга оширилмоқда. Байрам иштирокчиларини белгиланган манзилларга олиб бориш, олиб келиш ва кузатишга жалб этиладиган барча турдаги автотранспорт воситаларининг техник ҳолати текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

— Янги йил байрами тадбирларини ўтказиш жараёнида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганидан ҳалқимизнинг яқин хабари бор. Юқоқс малака ва замонавий техникага эга бўлган давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари туну кун эл-орт тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилмоқда. Янги йил байрамини ёнғин билан боғлиқ турли қўнғилсизликларсиз ўтказиш мақсадида тегишли хавфсизлик чоралари кўрилди. Аҳоли пунктлари, ихтисодиёт тармоқлари ва ихтимой соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишлари янада кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига мувофиқ, мамлакатимизда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган ёнғин хавфсизлиги олийги давомида корхоналар, ташкилотлар, маҳаллалар, ўқув муассасаларида мазкур масалаларга бағишланган семинарлар, ўрачулар таъкил этилди. Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида соҳа ходимлари аҳоли, айнқиса, болалар ва ўсмирлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш юзасидан кенг қамровли тушунириш ишларини олиб берди. Бу кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки ўтказиладиган тадбирлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Чунки ёнғин хавфсизлиги масаласи барча идора ва ташкилотлар, маҳалла, қишлоқ, оила, ҳар бир фуқаронининг тақомиллаштирилган ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларини янада кучайтириш имконини бермоқда. Жумладан, 2009 йилда қабул қилинган «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуниде ёнғинларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар ва хўжалиқлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида масъулият юклатилган. Шу боис бу борадаги ишларга уларни ҳам кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корхона ва ташкилотларда ўтказилган назорат тегишувлари натижасида ёнғин чиқиб хавфи бўлган 431 цех ва омборнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 6700 дан зиёд носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш таққиланди. Ёнғин хавфсизлиги талабларини қўпол равишда бузган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Хонадонлар ва кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ушбу йўналишда олиб бориладиган ишлар натижасида ёнғинлар сонини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қариб 13 фоизга камайдди.

— Пиротехника воситаларидан фойдаланиш оқибатида келиб чиқадиган қўнғилсизликларнинг олдини олиш мақсадида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Маълумки, миллий ва халқоро тасниҳга мувофиқ, пиротехника бўюмлари биринчи тоифага мансуб портловчи материаллар ва бўюмларнинг алоҳида тоифаларига киритилган. Мамлакатимизда портловчи ва захарли моддаларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлашни назорат қилиш ишлари тизимида асосда амалга оширилмоқда. «Пиротехника бўюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда пиротехника воситаларини олиб қариш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш, уларнинг қонунга хилоф равишда муомаллада бўлиши ва ишлатилишининг олдини олиш, пиротехника воситаларини қўллаган ҳолда маданий-томоша тадбирларини ўтказишда хавфсизлик чораларини кучайтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу қонун пиротехника бўюмларининг ноқонуний айланганининг ва улардан қонунга хилоф равишда фойдаланишининг олдини олишга қаратилган давлат назоратини самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чораларига риоя этишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Афсуски, пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда мамлакатимизга олиб кириш, сотиш ва фойдаланиш ҳолатлари, кам бўлса-да, ҳамон учраб турибди. Шу боис ички ишлар, солиқ, божхона идоралари ходимлари ва жамоатчилик вакилларида иборат махсус гуруҳлар иштирокида мамлакатимиз ҳудудиде пиротехника махсулотларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирлар жараёнида чегара ҳудудларида ҳаракатланаётган автомашина ва йўловчилар, чегаралар яқинида жойлашган дўкон ва савдо расталари, хонадон ва ишоотлар синчиқлаб текширилмоқда. Натижада шу қунгача пиротехника воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 21 ҳолат аниқланган, ҳуқуқбузарлардан қариб 6 миллион сўмлик 60 мингта яқин пиротехника воситалари олинди, ўрнатилган тартибда йўқ қилинди.

Янги йил байрамининг юқори савияда ўтишини таъминлашга тайёрларлик ишлари қизгин бораётган ҳозирги кунларда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигига эътиборни янада кучайтириш, турли қўнғилсиз ҳодисаларга йўл қўймалик борасида амалга оширилаётган ишлардан қўланган асосий мақсад — хонадонларимизда, маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда байрамни тинч-осойишта, қувончу шодийналар билан нишонлашни таъминлашдир. Бу бўлижон мақсад нанкин ички ишлар ходимлари, айтиш пайтада ҳар бир юрдошимиздан ҳушёр ва оғоҳ, фаол ва ҳамжихат бўлишни талаб қилади. Зеро, ҳар доим ҳушёр ва оғоҳ бўлиш нафақат байрамлар шукҳуни, балки кундалик турмушимизнинг ободлигини таъминлаб, файзу баракасини янада оширади.

**Бехоз НОРБОВЕВ
сўзлаблади**

